



JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI HOKIMI FARMOYISHI

2021 - yil 20 - oktabr

110-3-43-F/21

Arnasoy tuman hokimligi

Тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш ва шу асосда минерал ўғитларни илмий талабини ишлаб чиқиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сонли ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 510-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 06/022-147-сонли хатига асосан 2021 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш ва шу асосда минерал ўғитларни илмий талабини ишлаб чиқиш ишларини ўтказилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш ва шу асосда минерал ўғитларни илмий талабини ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш вазифаси туман қишлоқ хўжалиги бўлими **Ш.Кунаровга** юклатилсин.

3.Тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш ва шу асосда минерал ўғитларни илмий талабини ишлаб чиқиш ишлари якуний маълумотларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Ш.Кунаров) тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш ва шу асосда минерал ўғитларни илмий талабини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва масъул ташкилот вакилларини иштирокини таъминласин.

5. Тумандаги мутасадди корхона ва ташкилотларга агрокимёвий тадқиқот ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва ахборотлар билан агрокимёвий тадқиқот ишларини бажарувчи ташкилот вакилларига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Х.Азизов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким



Х.Алимарданов

Арнасой туман ҳокимининг
2021 йил 20 октябрдаги
110-3-43-F/21-сон фармойишига
1-илова

илова

Тупроқларнинг агрохимёвий хоссаларини аниқлаш ва шу асосда минерал ўғитларни илмий талабини ишлаб чиқиш ишлари якуний маълумотларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг таркиби

Х.Азизов -

Туман
ҳоқимин
инг
қишлоқ
ва
сув хўжа
лиги
масалала
ри
бўйича
ўринбоса
ри,
комиссия
раиси

Ш.Кунаров-

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими
бошлиғи,
комиссия раиси ўринбосари

Комиссия аъзолари:

М.Собиров -

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари
ва торморқа ер эгалари кенгаши
раиси

Х.Умуров-

Туман давлат солиқ инспекцияси
бошлиғи

В.Лутфулаев -

Туман статистика бўлими бошлиғи в./б